

Мали Рамазон ойида озиқ-овқат танқислигига йўл қўймайди



09:14 / 30.03.2022 3096

Малидаги иқтисодий инқироз Рамазон ойини нишонлашга тўсқинлик қилмайди. Бу ҳақда Maliweb манбаси хабар берди.

Малининг иқтисодий қийинчиликлари глобал сиёсий инқироз оқибатларидандир. Ушбу инқирозга қарамай, Мали иқтисодий операторлари бозорни таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солди.

«Рамазон ойида Мали бозорида маҳсулот танқислиги бўлмайди», дейди савдо, рақобат ва истеъмол (DGCC) бўйича бош раҳбари Букадари Доумбия.

Букадари Доумбия фикрича, маҳсулот нархининг ошиши эмбарго билан боғлиқ эмас. Бу глобалдир, чунки заводларни ёпишга мажбур қилган коронавирус пандемиясидан кейин глобал бозор нархлари кўтарилди. Малида озиқ-овқат нархлари қўшни мамлакатларга қараганда анча қулай.

«Красная Весна» нашрининг ёзишича, Мали бозорини қулай қилиш мақсадида давлат аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича бир қанча дастурларни жорий қилган.

тайёрлади